

## ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШДА КРІ (KEY PERFORMANCE INDICATOR) НИНГ АҲАМИЯТИ

*Авазметова Ирода - Адлия вазирлиги  
Юристлар малакасини ошириши маркази  
бош мутахассиси*

Хозирги кунда давлатлар ўртасида кескин рақобат юзага келмоқда, бу жараёнда янги шароитларга мослашувчан, олдига қўйилган масалаларни тезкор ва сифатли ҳал этишга қодир давлат фуқаролик хизматчилари корпусини ташкил этиш муҳим саналади.

Шу мақсадда Ўзбекистонда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид чора-тадбирлар дастурида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашни амалга ошириш механизми сифатида давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиши белгиланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Конунда “Давлат фуқаролик хизматчисини тегишли равишда рағбатлантириш ва хизматда лавозим бўйича қўтариш унинг касбий компетенцияларини ҳамда алоҳида хизматларини холисона ва адолатли баҳолаш асосида таъминланади” дея белгилаб қўйилди. Ушбу қонунга кўра, давлат фуқаролик хизматчисини рағбатлантириш ҳамда холисона ва адолатли мезонлар асосида хизматда лавозим бўйича қўтарилишини таъминлаш учун унинг фаолияти самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш тизими жорий этилади.

Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 28 декабрдаги 3704-сон буйруғи билан “Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубияти” тасдиқланди. Ушбу Услубиятда баҳолаш тизимининг босқичлари, давлат органларида баҳолаш тизимини жорий этиш, ЭМСКнинг мақсадли кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва баҳолаш, амалдаги ЭМСКни ҳисоблаш ва баҳолаш, давлат фуқаролик хизматчиси фаолиятини баҳолаш

механизми, баҳолаш интервьюси, шикоят қилиш тартиби ҳамда якуний қоидалар билан боғлиқ муносабатлар тартибга солади.

Давлат хизматчиси фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими қуйидаги жиҳатлари билан давлат фуқаролик хизматини ўташда муҳим аҳамият касб этади: режалаштириш, ходимларни ёллаш, кадрларни ўқитиш, кадрлар захирасини шакллантириш, ходимлар фаолиятининг таҳлили, ходимларнинг касбий ва интеллектуал ривожланиши, моддий ва номоддий рағбатлантириш тизими<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлат фуқаролик хизматчиларини самарадорлигини баҳолаш тизимлари аксарият ривожланган давлатларда жорий этилган бўлиб, давлат хизматчилари самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига аъзо аксарият давлатларда (АҚШ, Франция, Австрия, Япония, Корея ва бошқалар) самарадорликни баҳолаш тизими давлат хизматчилари самарадорлигини оширишда ижобий натижаларни кўрсатмоқда. Бундай тизимлардан бири KPI (key performance indicator) тизимиdir. KPI – бошқарув жараёнида ташкилот мақсадларини белгилашга, белгиланган мақсадга эришилганлик даражасини таснифловчи, ташкилот ва ходимлар ўз салоҳиятини таҳлил қилиш ҳамда самарадорликни ошириш ва уни назорат қилиш имкониятини берувчи тизимdir<sup>2</sup>.

Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиятида белгиланишича, **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари**<sup>3</sup> - давлат фуқаролик хизматчиси томонидан функционал вазифа ва мажбуриятлари ижро этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш учун қўлланиладиган ва микдоран ўлчаш мумкин бўлган баҳолаш индикаторлари. Шу билан бирга, давлат хизматчиси фаолиятидаги ҳар қандай кўрсаткич ЭМСК бўлиб ҳисобланмайди.

KPI тизими орқали **Германия**да барча давлат органлари учун юқори самарадорлик кўрсаткичига эга давлат хизматчиларининг рағбатлантириш амалга оширилмоқда. Сўнгги маълумотларга кўра, давлат хизматчиларини рағбатлантириш учун Федерал бюджетдан ҳар йили 50 миллион евродан ортиқ маблағ ажратилади. Моддий рағбатлантириш, устама ҳақлари билан боғлиқ бир қанча чекловлар мавжуд бўлиб, ушбу чекловлар «Давлат хизматчилари тўгрисида»ти Қонунда белгилаб қўйилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Лесина Т.В., Чернов Д.А. Ключевые показатели эффективности на службе. Эффективность работы госслужащих // Вестник Евразийской науки, 2018 №2.

<sup>2</sup> Office of Human Resources Management / URL: <https://www.commerce.gov/hr>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 21 ноябрдаги 2-2022-сон бўйрги // <https://lex.uz/uz/docs/6329831>

<sup>4</sup> Draft F. Civil Service in Germany: Characteristics of Public Employment and Modernization of Public Personnel Management. / URL: [www.uni-konstanz.de/bogumil/kuhlmann/Download/KuhlmannRoeber1.pdf](http://www.uni-konstanz.de/bogumil/kuhlmann/Download/KuhlmannRoeber1.pdf)

**Америка Кўшма Штатларида** вазирлик ва агентликлар раҳбарияти ходимларнинг индивидуал иш режаларини мустақил белгилайдилар. Давлат хизматчиси фаолиятининг самарадорлиги мониторинги тузилган индивидуал режа асосида йил сўнгига баҳоланади.

**Буюк Британияда** давлат хизматчилари фаолият самарадорлигини баҳолашда давлат хизматчиси ва давлат органи натижадорлик тўғрисидаги келишув имзолайди. Ушбу келишувда қўйидагилар қўрсатилиши мажбурий: маъсулиятлилик, вазифалар, самарадорлик мезонлари, мақсадга эришилган ёки эришилмаганлик даражалари, ярим йиллик ҳисобот, индивидуал ривожланиш режаси, шу жумладан, баҳолаш мезонлари. Бунда баҳолаш йилда икки маротаба яъни йил ўртасида ва охирида ўтказилади. Йил қунлари бўйича раҳбар таркибдаги хизматчи ўзини ўзи баҳолаш ёки ҳар томонлама баҳолаш, яъни “**360 градус**”<sup>5</sup> усулидан фойдаланилади.

**Канадада** давлат хизматчилари фаолият самарадорлигини баҳолаш Яширин кенгаш (Privy Council Office) томонидан амалга оширилади. Давлат хизматчилари самарадорлигини баҳолашда, унинг объективлигини таъминлаш мақсадида ўзини ўзи баҳолаш натижалари ва сўров маълумотлари ҳам инобатга олинади<sup>6</sup>.

Бизнинг республикамизда ҳам давлат хизматчилари фаолият самарадорлигини баҳолаш тизими босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда. Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги маълумотига кўра, 2022 йилда ҳоким ёрдамчиси 8 та кўрсаткич билан баҳоланганд бўлса, 2023 йил 1-чоракдан 5 та кўрсатгичга, ёшлар етакчиси 23 та кўрсаткич билан баҳоланганд бўлса, 8 та кўрсаткичга, хотин-қизлар фаоли 7 та кўрсаткич билан баҳоланганд бўлса, 5 та кўрсатгичларга камайтирилиши эвазига натижадорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>7</sup>.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлигини баҳолашда кўрсаткичлар сони оширилиши натижасида уларнинг асосий эътибори иш вақтни режалаштирмаслиги, топшириқларнинг охирiga етказмаслик ёки сифатсиз бажаришга сабаб бўлмоқда. Бугунги рақамлаштириш жараёнида давлат фуқаролик хизматчиларининг самарали фаолият кўрсатиши учун хорижий давлатлар тажрибаси КРІ кўрсаткичлари 5-7 тагача белгиланиши қулай эканлигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, Қозоғистонда давлат фуқаролик хизматчилари фаолияти самарадорлиги баҳолаш **2** тоифага асосан олиб борилади. Бунда давлат

<sup>5</sup> Ketelaar A., Manning N., Turkisch E. (2007). Performance-based Arrangements for Senior Civil Servants OECD and other Country Experiences // OECD Working Papers on Public Governance, OECD Publishing. 2007. № 5, 34-38.

<sup>6</sup> Барциц И.Н. Показатели эффективности государственного управления (субъективный взгляд на международные стандарты) (часть 1). / URL: <http://www.pvlast.ru/archive/index.433.php>

<sup>7</sup> <https://argos.uz/uz/press-center/topic/33>

органларининг биринчи раҳбарлари, вилоятлар, республика аҳамиятига молик шаҳарлар ва пойтахт ҳокимлари ва маъмурий давлат хизматчиларининг КРІ кўрсаткичлари 5 тани (мақсадли кўрсаткич, касбий даража ва шахсий фазилатлар) ташкил қиласди. Японияда эса, баҳолаш кўрсаткичлари сони 6 тадан иборат бўлиб, мақсадли кўрсаткичлар 3-4 тагача, компетентлиги бўйича 5-6 тагача қилиб белгиланган. Саудия Арабистонида баҳолашнинг мақсадли кўрсаткичлар сони 4-10 тагачани ташкил қиласди.

Юқоридагилардан хулоса қилишимиз мумкинки, давлат фуқаролик хизматчилари фаолият самарадорлиги кўрсаткичларининг қўп ва аниқ мақсадларсиз белгиланиши ўз навбатида фаолият ва вазифаларини мукаммал бажаришга салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.